

СУҒОРИШ ТАРТИБЛАРИ ВА УСУЛЛАРИНИНГ СОЯ НАВЛАРИ ДОНИДАГИ МОЙ ҲАМДА ОҚСИЛ МИҚДОРИГА ТАЪСИРИ

Рашидов Кувончбек Турғунбой угли

Тошкент давлат аграр университети талабаси

E-mail: doktorquvonch0599@gmail.com

Камолова Нодира Хайрулло қизи

Тошкент давлат аграр университети талабаси

Отаназарова Юлдуз Ойбек қизи

Тошкент давлат аграр университети талабаси

Аннотация: Ушбу мақолада Жиззах вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида турли усул ва тартибларда, такрорий экин сифатида экилган соя навларининг дони таркибидаги оқсил ва мойдорлик кўрсаткичлари бўйича олинган илмий маълумотлар баён этилган.

Калит сўзлар: суғориш, тартиб, усул, соя, мой ва оқсил миқдори.

Дунё аҳолисининг сони ошиб бориши натижасида озиқ-овқатга бўлган талаби кун сайин ортиб бормоқда. Ер юзида 122,1 млн. гектар майдонда соя экини асосий ҳамда такрорий экин сифатида парваришланиб, йиллик ялпи дон ҳосили 220,6 млн.тоннани ташкил этади. Бразилия, АҚШ, Аргентина ва бошқа давлатлар соя дони экспорт қилувчи, Хитой, Корея ва бошқа Осиё мамлакатлари эса асосий импорт қилувчи давлатлар ҳисобланади. Дунё бўйича 2020 йилда 162 млн. тонна соя дони етиштирилган бўлса, бу кўрсаткич 2030 йилга бориб 371 млн. тоннани ташкил қилиши кутилмоқда

Тадқиқот объекти: Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиот институти Пахтакор филиали тажриба далалари, соянинг “Орзу” ва “Нафис” навлари, тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-60%, 75-75-65% тартиблари олинган.

Тадқиқотнинг мақсади. Жиззах вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида кузги буғдойдан кейин такрорий экин сифатида парваришланган соянинг “Нафис” ва “Орзу” навларидан юқори ҳосил олиш учун мақбул суғориш усуллари ва тартибларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Соя навларини турли суғориш усул ва тартибларида етиштиришнинг тупроқни агрохимёвий, сув-физик ва агрофизикавий хоссаларига таъсирини аниқлаш;

турли суғориш усул ва тартибларда соя навларининг бир центнер дон ҳосили етиштириш учун сарфланган сув истеъмолини аниқлаш;

суғоришнинг турли усул ва тартибларининг такрорий экилган соя навларининг ўсиши, ривожланиши ҳамда ҳосил элементларини тўплашига таъсирини аниқлаш;

такрорий экин сифатида экилган соя навларининг суғоришни турли усул ва тартибларини қўллашни иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг предмети тупроқларнинг агрохимёвий, агрофизик хоссалари, такрорий экин соя навларини суғориш усуллари, тартиблари, сув истеъмоли, ўсимликнинг ўсиши-ривожланиши ва дон ҳосилдорлигини аниқлаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларда ўсимликнинг биометрик ўлчовлари, тупроқ ва ўсимлик намуналарининг лаборатория таҳлиллари, фенологик кузатувлар “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” услубномаси асосида олиб борилган ҳамда тадқиқотлар натижаларидан олинган маълумотлар Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» услуби бўйича математик-статистик таҳлил қилинган.

Тадқиқот натижалари. Бугунги кунда такрорий экин сифатида мамлакатимизда кузги буғдойдан бўшаган майдонларига соя навларини экишда улардан олинадиган оқсил ҳамда мой миқдори юртимиз аҳолиси учун озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлашга ҳизмат қилади. Бу навларининг донидаги мойдорлиги лаборатория шароитида таҳлил қилиб ўрганилди.

Олиб борилган тадқиқотларда соянинг Нафис навини парваришlashда тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-60% тартибида ҳар эгатдан суғорилган 1-вариантда сояни донининг оқсил миқдори 31,6% ни, мойдорлиги 20,47% ни, эгат оралатиб суғорилган 2-вариантда бу кўрсаткичлар мос равишда 32,3; 19,82% ни, қатор оралари плёнка билан мульчалаб суғорилган 3-вариантда эса 33,7; 19,46% ни ташкил этди. Суғоришни мульчаланган эгатларда олиб борилган вариантга нисбатан суғоришнинг бошқа (ҳар эгатдан ва эгат оралатиб) усуллар қўлланилган вариантларда оқсил миқдорини 2,1% га камайиши, лекин мойдорлиги эса 1,01% гача ортиши аниқланди.

Сояни Нафис навини парваришlashда тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 75-75-65% тартибида анъанавий усулда (ҳар эгатдан) суғорилган 4-вариантда сояни донининг оқсил миқдори 34,5% ни, мойдорлиги 20,61% ни, эгат оралатиб суғорилган 5-вариантда бу кўрсаткичлар мос ҳолда 35,0; 20,49% ни, қатор оралари плёнка билан мульчалаб суғорилган 6-вариантда эса 36,1; 19,39% ни ташкил этиб, суғоришни мульчаланган эгатларда олиб борилган вариантда суғоришнинг бошқа (ҳар эгатдан ва эгат оралатиб) усуллар қўлланилган

вариантларга нисбатан оқсил миқдорини 1,6% га ортиши, лекин мойдорлиги эса 1,22% гача кам бўлгани кузатилди (5.10-жадвал).

Соянинг Орзу навини парваришlashда тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-60% тартибида ҳар эгатдан суғорилган 7-вариантда сояни донининг оқсил миқдори 30,0% ни, мойдорлиги 20,40% ни, эгат оралатиб суғорилган 8-вариантда сояни донининг оқсил миқдори 30,6% ни, мойдорлиги 20,45% ни, қатор оралари плёнка билан мульчалаб суғорилган 9-вариантда эса сояни донининг оқсил миқдори 32,4% ни, мойдорлиги 19,37% ни га тенг бўлиб, суғоришни мульчаланган эгатларда олиб борилган 9- вариантда суғоришнинг бошқа (ҳар эгатдан ва эгат оралатиб) усуллар қўлланилган вариантларга нисбатан ўсимликнинг сояни донининг оқсил миқдори 2,4% ни ортиб бориши, мойдорлигини эса 1,08% ни гача камайиши аниқланди.

Соянинг Орзу навини парваришlashда тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 75-75-65% тартибида анъанавий усулда (ҳар эгатдан) суғорилган 10-вариантда ўсимликнинг сояни донининг оқсил миқдори 31,3% ни, мойдорлиги 20,44% ни ни, эгат оралатиб суғорилган 11-вариантда бу кўрсаткичлар мос равишда 32,5; 20,70 5 ни, қатор оралари плёнка билан мульчалаб суғорилган 12-вариантда эса 34,2; 19,80 % га тенг бўлди.

Соянинг Орзу навини парваришlashда тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 75-75-65% бўлганда, суғоришни анъанавий усуллари (10-11 вар. ҳар эгатдан ва эгат оралатиб) қўлланилган вариантларга нисбатан қатор орасиши плёнка билан мульчаланган эгатларда суғориш тадбири олиб борилган 12-вариантда нисбатан ўсимликнинг донининг таркибидаги оқсил миқдори 2,9% гача ортиб бориши, мойдорлиги эса 0,64% гача камайиши аниқланди (5.10-жадвал).

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, тупроқ намлигини ЧДНС га нисбатан 70-70-60% ҳамда 75-75-65% бўлганда, суғоришни қатор оралари плёнка билан мульчаланган эгатлардан суғориш тадбири олиб борилган (3, 6, 9, 12-вар) вариантларда, суғоришни ҳар бир қатордан ҳамда эгат оралатиб суғориб соянинг Нафис ва Орзу навларини парваришланганда ўсимликнинг донининг таркибида оқсил моддасининг миқдорини 1,2-2,9% га ортиб бориши ва шу билан бир қаторда таркибидаги мойдорлик кўрсаткичини 0,64-1,22 % гача камайиши кузатилди.

Фойдаланилган адабиётлар

[1] Tuxtamishev M.A., Shamsiyev A.S., Sheraliyev X., Nishanov J., (2021). The effect of shade on the yield of irrigation procedures of nafis and orzu varieties in the conditions of jizzakh region. Galaxy international interdisciplinary research journal, P. 1425-1429.

[2] Tuxtamishev M.A., Eshonqulov J.S., Tuxtamishev E.Q., (2022) Effects

irrigation procedures and methods on the oil and protein quality of shade varieties. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, P. 11-14.

[3] Рашидов К.Т., Беда экиш муддатларининг дон ва кўк масса ҳосилдорлигига таъсири “Tadqiqotlar” jahon-ilmiy metodik jurnali 24-son to‘plami. 33-36

[4] Tuxtamishev M.A., Shamsiyev A.S., Abdalova G.N., Sultanov U.T., (2021) Effects of irrigation technologies on the productivity of reproduced soy varieties in Uzbekistan. E3S Web of Conferences 258, 04051 UESF-2021 Scopus.

[5] Tuxtamishev M.A., Shamsiyev A.S., Eshonqulov J.S., Tuxtamishev E.Q., (2022). Influence of irrigation procedures and methods on the growth and development of shade varieties, International multidisciplinary conference Hosted from Manchester, England P. 47-49.

[6] Abdalova, G. N., Eshonkulov, J. S., Sulaymonov, S. O., & Abdullayeva, F.M. (2021). Improvement of cotton nutrition procedure and irrigation technologies. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 11(4), 720-723.